



**О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT
TUMANI HOKIMINING
QARORI**

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 29 - Iyvar

1574 -son

Bog‘ot shaharchasi

**Фуқаро Уттанов Зоҳиджон
Бектурдиевичнинг турар жой биносига
бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш
тўғрисида**

Боғот тумани “Қалажикқалъа” маҳалласида яшовчи фуқаро Уттанов Зоҳиджон Бектурдиевичнинг “Қалажикқалъа” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 2 декабрдаги ХО-У-3401-сонли аризасини, “Қалажикқалъа” маҳалласи фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2020 йил 26 ноябрдаги 4067-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот тумани “Қалажикқалъа” маҳалласида жойлашган 12 (ўн икки)та хонадан иборат, яшаш хоналари 5 (беш)та бўлиб, ички ўлчами 113,55 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 7 (етти)та бўлиб, ички ўлчами 172,73 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 286,28 квадрат метр, қурилиш ости майдони 480,72 квадрат метр, умумий ер майдони 1300,0 квадрат метр (умумий ер майдони 1652,3 квадрат метр, бўлган ушбу турар жойнинг белгиланганидан ортиқча бўлган, 352,3 квадрат метрдан вақтинча фойдаланиш - ушбу вақтинчалик фойдаланиш мақсадида берилаётган ер майдонини қайтариб олиш шарти билан) ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Уттанов Зоҳиджон Бектурдиевичга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.


2. Фуқаро Уттанов Зоҳиджон Бектурдиевичга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида

янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда шунингдек, вақтинча фойдаланишга берилган 352,3 квадрат метр ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланса Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Уттанов Зоҳиджон Бектурдиевичга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Куръязов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими
вазифасини бажарувчи**



Ш.Яхшибаев